

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЙМАНОВ РУСЛАН КЕНЕСБАЕВИЧ

**ПАСТ БОСИМЛИ ТЎҒОНЛАРНИНГ ЮҚОРИ БЎЕФИДАГИ ҚАЙТА
ШАКЛЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИНИ ВА ҲИСОБЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

05.09.07 - Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УЎК: 556.5:626-31:627.43 (575.172)(043.3)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Байманов Руслан Кенесбаевич

Паст босимли тўғонларнинг юқори бьефидаги қайта шаклланиш
қонуниятларини ва ҳисоблаш усулларини илмий асослаш..... 3

Байманов Руслан Кенесбаевич

Научное обоснование закономерности и методов расчета русловых
переформирования верхнего бьефа низконапорных гидроузлов..... 23

Baimanov Ruslan Kenesbaevich

Scientific substantiation of regularities and methods for calculation of running
reforms the upper buffer of low-pressure dams..... 43

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЙМАНОВ РУСЛАН КЕНЕСБАЕВИЧ

**ПАСТ БОСИМЛИ ТЎҒОНЛАРНИНГ ЮҚОРИ БЎЕФИДАГИ ҚАЙТА
ШАКЛЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИНИ ВА ҲИСОБЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

05.09.07 - Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда дарё гидроузелларининг юқори бьефидаги ўзан жараёнларини баҳолаш ҳамда башорат қилиш технологияларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида гидроузеллардан самарали фойдаланишда юқори бьефларининг лойқа босиши ва тўлишини олдини олиш технологияларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан дарёлардаги паст босимли сув олиш гидроузелларининг хавфсиз ва самарали ишлашини таъминловчи технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда деформацион жараёнларни ҳисоблаш усуллари, гидроузелларни жойлаштириш ва юқори бьефдаги ўзан жараёнларини баҳолаш бўйича назарий ва конструктив ечимларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, паст босимли тўғонларнинг юқори бьефидаги ўзанларни қайта шаклланишини ҳисоблаш усуллари ва қонуниятларини баҳолаш, уларни эксплуатация қилиш режимини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада мавжуд гидротехник иншоотлар, гидроэлектростанциялар, дарё ва сув олиш гидроузелларининг хавфсиз ишлашини таъминлашда ўзан жараёнларини бошқариш ва гидроузелларни эксплуатация қилиш режимларини такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация тармоқларини ва ирригация иншоотларини янада ривожлантириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, ўзан деформацияланишини баҳолаш усуллариини такомиллаштириш, паст босимли тўғоннинг юқори бьефида қайта шаклланиш босқичини ўрнатиш ва гидроузелларни эксплуатация қилиш режимини такомиллаштириш дарё ва сув олиш гидроузелларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш, шунингдек сув объектларини лойқа босишини олдини олиш ва камайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3672-сон «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони.

мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оқимнинг турбулентлиги асосида лойқа чўкиндилярни ташувчанлик қобилияти билан чет эл тадқиқотчилар Г.А.Эйнштейн, Т.Тейлор, Ф.Орт, Ж.Стиван, Д.Б.Саймонс, Е.В.Ричардсон, У.М.Борланд, А.Д.Мейер, М.Бруне, У.Кир каби олимлар шуғулланишган. Турбулент оқим моделини ва ўзан турбулентлигининг статистик тавсифларини яратиш бўйича тадқиқотлар Н.Е.Жуковский, А.Н.Гостунский, М.А.Великанов, В.Н.Гончаров, А.С.Абразовский, Н.М.Бернадский, Ж.Комте - Беллон, А.Б. Клавен, Ж. Лауфер, С. Чен, Д.И. Гринвалд, Н.А.Михайлова, Е.М.Минскийлар томонидан олиб борилган.

Ўзан жараёнларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш билан М.А.Великанов, Г.И.Шамов, Н.Е.Кондратьев, И.В.Попов, К.И.Россинский, И.А.Кузьмин, М.А.Мостков, В.М.Лятхер, А.М.Мухамедов, Х.Ш.Шапиро, С.Т.Алтунин, И.А.Бузунов, В.С.Лапшенков, В.Н.Шолохов, Х.А.Исмагилов, К.Ш.Латипов, Д.Р.Базаров каби олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган ва уларнинг ижобий натижалари амалиётга қўлланилиб келинмоқда.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида гидроузелларнинг юқори бьефидаги ўзан жараёнларини ўрганиш бўйича муайян ижобий натижаларга эришилган, аммо бу тадқиқотларда ўзан, оқим ва иншоотнинг ўзаро таъсирининг ўта мураккаблигини тавсифловчи ўзан жараёнлари, уларни башорат қилиш ва ҳисоб-китоблари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Қорақалпоқ давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 3/14 «Иншоот юқори бьефидаги қайта шаклланиш қонуниятларини ҳисоблаш» (2014-2015 йй.), 2/2012 «Тахиатош гидроузелининг юқори бьефидаги лойқа босиш босқичида ўзан жараёнларини бошқариш» (2012-2014) ҳамда 1/2016 «Майяб каналининг реконструкция қилинган каналлар участкалари деформациясини ўрганиш» (2016-2017) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзан жараёнларини ҳисоблаш ва башорат қилиш усулларини илмий асослаш ҳамда паст босимли тўғоннинг юқори бьефидаги қайта шаклланиш қонуниятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дарёларнинг сувлиги, сув олиш сарфи, сув билан димланиш катталиги ва чўкинди концентрациясининг ўзгаришига боғлиқ равишда дарё

гидроузелларининг юқори бьефида ўзан жараёнларини шаклланишини асосий қонуниятларини аниқлаш;

барқарор бўлмаган ўзан билан ўзаро таъсирлашадиган, паст босимли тўғонда ўзаннинг қайта шаклланиши ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун, ўзан деформацияси юз беришини сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш;

паст босимли тўғоннинг юқори бьефидаги сувнинг ҳаракатланиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда оқимнинг сув сатҳи нишаблиги ва димланиш эгри чизиғини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш;

нисбий оқим лойқалиги, лойқа босиш майдони ва димланишни тарқалиш узунлигини инобатга олиб паст босимли тўғоннинг юқори бьефида ўзан жараёнларини шаклланиш босқичлари ва муддатларининг таснифини ишлаб чиқиш;

юқори бьефнинг лойқа билан тўлиши, лойқа босиш жараёнларини баҳолаш имконини берувчи димланган бьефлар узунлиги бўйича чўкиндиларнинг тақсимланиши ва узунлиги, лойқа босиш муддатларини ҳисобга олиб, паст босимли тўғоннинг юқори бьефида ўзан жараёнларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Амударёнинг қуйи оқимида қурилган Тахиатош гидроузелининг юқори бьефи олинган.

Тадқиқотнинг предмети Тахиатош паст босимли тўғоннинг юқори бьефида содир бўлган лойқа босиш, лойқа тўлиш ва ўзаннинг қайта шаклланиш жараёнлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида гидрометрия, гидравлика ва ўзан деформацияларини аниқлашнинг умум қабул қилинган услублар ҳамда ўзан оқимлари динамикаси учун назарий тенгламалар ва математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

паст босимли шит тўғони юқори бьефидаги оқимнинг сув сатҳи нишаблиги ва димланиш эгри чизиғини ҳисоблаш усули оқимнинг беқарор ҳаракатини инобатга олиб такомиллаштирилган;

паст босимли тўғоннинг юқори бьефида ўзан жараёнларининг шаклланиш босқичлари ва муддатларини аниқлаш усули нисбий лойқалик, лойқа босиш майдони ва димланишнинг тарқалиш узунлигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

паст босимли тўғоннинг юқори бьефида ўзаннинг лойқа босишини аниқлаш усули бьефлар узунлиги бўйича чўкиндиларнинг тақсимланиши, чўкинди концентрациясининг ўзгариши ва лойқа босиш муддатларини инобатга олиб ишлаб чиқилган;

паст босимли шит тўғонни ишончли эксплуатация қилиш имкониятини берувчи пионер хандакнинг гидравлик схемаси дарёнинг гидрологик режимини инобатга олиб ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таклиф этилган илмий асосланган ҳисоблаш усуллари чўкинди ташиш, деформация ҳажми, ўзан жараёнлари боришининг зарур параметрларини аниқланган;

димланиш эгри чизикларини ҳисоблаш усули лойқа босиш ва лойқа тўлиш жараёнларида қўшимча сув босган жойлари аниқланган ва ерларнинг сув босишига қарши курашиш тадбирларини белгиланган;

ишлаб чиқилган ўзан жараёнларнинг босқичларни таснифи ва шаклланиш муддатлари 40 йилдан ортиқ эксплуатация қилиш давомида паст босимли гидроузелларнинг юқори бьефидаги ўзанининг қайта шаклланишини башорат қилинган;

паст босимли шит тўғонларининг ўтказувчанлиги ва сувлилиги коэффицентларининг соний қийматлари, эксплуатация қилиш вақтида уларнинг сув ўтказиш қобилиятини аниқланган;

кам ва кўп сув даврларда сув ташлашни мақбул маневрлаш схемаларини ва пастки бьеф ишини ўз ичига олувчи сув олиш ва шит тўғонларини эксплуатация қилиш шароитларини яхшилаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги табиий шароитларда аттестацияланган асбоблар ва ускуналар ёрдамида амалга ошириладиган умумий қабул қилинган усуллардан фойдаланиш, ҳамда замонавий усуллар билан статистик ишлов бериш, яъни ҳисобланган маълумотларни муаллифнинг ўлчаган маълумотлари ва бошқа тадқиқотчиларнинг дала маълумотлари билан таққослаб текширилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сув сатхи нишаблиги ва димланиш эгри чизигини ҳисоблаш усули, ўзан жараёнларининг шаклланиш босқичлари ва муддатларини аниқлаш усулини такомиллаштиришга ҳамда гидроузелларни эксплуатация қилишда юзага келадиган лойқа босиш ва лойқа тўлиш жараёнларининг босқичлари ва муддатларини ишлаб чиқишга ҳисса қўшадиган паст босимли гидроузелларининг юқори бьефида қайта шаклланиш жараёнлари асосларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дарё гидроузелларининг паст босимли шит тўғонларини ишончли эксплуатация қилиш имкониятини берувчи пионер хандакнинг гидравлик схемаси ҳамда уларни лойиҳалашда ва эксплуатация шароитида ўзанларни лойқа босиш ва лойқа тўлиш жараёнларини башорат қилишда ишлаб чиқилган гидравлик ҳисоблаш усулларида фойдаланиш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Паст босимли тўғонларнинг юқори бьефида ўзан жараёнларини бошқариш бўйича олинган натижалар асосида:

юқори бьефдаги ўзан қайта шаклланишини башорат қилишнинг илмий асосланган усуллари ва шитли тўғоннинг сув ўтказиш қобилиятини аниқлашнинг гидравлик усули Марказий Осиё давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси хузуридаги «Амударё» хавзаси сув хўжалиги бирлашмаси Қуйи Амударё бошқармасининг Тахиатош паст босимли гидроузелида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 октябрдаги 04/20-3221-сон маълумотномаси). Натижада гидроузелнинг юқори бьефида димланиш эгрилигининг тақсимланиш узунлиги ва ўзани лойқа тўлиш даражасини башорат қилиш имконини берган;

гидроузелнинг димланиш соҳасида дарёдаги ўзан жараёнларининг такомиллаштирилган ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги «UZGIP» масъулияти чекланган жамиятининг Қорақалпоқ шўъба ташкилоти томонидан реконструкция қилинган каналлардаги ўзан ростлаш иншоотларини лойihalашда жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 октябрдаги 04/20-3221-сон маълумотномаси). Натижада юқори бьефда ўзан жараёнларининг ишончли кўрсаткичларини олиш имкониятини берган;

каналлардаги сув олиш иншоотининг иш шароитини яхшилаш ва сув олиш иншооти таъсир соҳасида чўккан лойқа оқизикларини даврий ювишни ўтказиш бўйича тавсиялар Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қуйи Амударё ирригация тизими бошқармасида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 октябрдаги 04/20-3221-сон маълумотномаси). Натижада сув олиш иншооти шароитини яхшилашга, дарёдан сув олиш хавфсизлигини таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 14 мақола, жумладан 10 та республика, 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги қайд этилган, тадқиқот усуллари, экспериментал ва амалий тадқиқотлар

натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ва янгилиги очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши хақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Дарё гидроузелларининг бьефларида ўзан жараёнларини назарий тадқиқ қилишнинг ҳозирги ҳолати»** деб номланган биринчи бобида паст босимли тўғонлар бьефларида ўзан жараёнларини ҳосил бўлиши ва шакллантириш механизмлари муаммосини ва уларнинг назарий асослари, бьефларни қайта шаклланиш схемалари, дарё гидроузелларининг юқори бьефларини лойқаланиши ва лойқа тўлишини ҳисоблашнинг асосий усуллари, замонавий ўрганилганлик даражасини таҳлили келтирилган, ҳамда кейинги тадқиқотларнинг вазифалари белгиланган.

Ҳозирги вақтда кўплаб тахминий усуллар ишлаб чиқилган ва уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳ - бу эмпирик усуллар; иккинчи гуруҳ - баланс усуллари; учинчи гуруҳ - чўкиндани чўктириш қонунларига асосланган усуллар.

Марказий Осиё дарёлари учун дарё гидроузелларининг юқори бьефини лойқаланишини ҳисоблаш усуллариининг иккинчи ва учинчи гуруҳлари кенг тарқалган. Ушбу усулларга С.Т.Алтунин ва И.А.Бузунов, В.Н.Гончаров, И.И.Леви, В.С.Лапшенков, А.В.Караушев, К.И.Россинский, И.А.Кузмин, М.А.Шостков, А.М.Мухамедов, Ф.Ш.Мухамеджанов, В.А.Скрыльников, И.А.Шнеер, Г.И.Шамов, В.Н.Шолохов, Х.Ш.Шапиро, К.Ш.Латипов, К.И.Байманов, Х.А.Исмагилов, А.М.Арифжанов, Д.Р.Базаров каби олимлар усулларини мисол келтириш мумкин, улар кўплаб ижобий натижаларга эришдилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, гидроузелларнинг юқори бьефида лойқа тўлишини башорат қилиш лойқа босиш усулларига қараганда камроқдир. Айниқса паст босимли гидроузелларни эксплуатация қилиш амалиётида ҳозирги кунгача кўплаб қийинчиликлар ва лойқа тўлиш жараёнлари ўзани қайта шаклланиши билан боғлиқ салбий оқибатларга дуч келмоқда. Бундай шароитларда ўзан жараёнларини ўрганиш нисбатан долзарб бўлиб келмоқда.

Диссертациянинг **«Текисликдаги дарёларни паст босимли тўғонларининг гидравлик режимлари ва гидроузел компоновкасини жойлаштириш тадқиқоти»** деб номланган иккинчи бобида тўғонли сув олиш гидроузелларини жойлаштириш ва уларнинг гидравлик режимлари, шунингдек айрим паст босимли тўғонларнинг тиралган бьефларини лойқага тўлишини ҳисоблаш билан боғлиқ дала ва модель тадқиқотларини таҳлили келтирилган.

Мавжуд кўп сонли тўғонли сув олиш гидроузеллар **асосий уч турга ажратилиши мумкин**: тўғони фронтал жойлаштирилган сув олиш гидроузели (Ҳиндистон тури); кўндаланг циркуляция орқали сув олиш гидроузели (Фарғона тури); вертикал бўйича оқимнинг қатламларга ажралиш

принципи бўйича қурилган сув олиш гидроузели (Европа тури). Амалиётда нисбатан кўп тарқалган тур Фарғона тури бўлиб, ўзини ижобий тарафдан оқлади ва у муваффақиятли равишда каналларни йирик тубдаги чўкиндилардан ҳимоя қилади.

Паст босимли гидроузеллар шароитида (босими 3-6 м ва кенг фронтли) оқимни сутка давомида бошқариш ва чўкиндиларни аккумуляция қилиш учун юқори бьефда маълум фойдали хажмлар ҳосил қилинади. Гидроузелнинг кенг юқори бьефида тўлиқ лойқа босиши билан янги гидравлик шароитларида ҳаракатланиб юрвчи оқим эксплуатацион қийинчиликларга олиб келади. Катта сарфли даврларда фавқулодди вазиятда гидроузелни эксплуатация қилишнинг нормал режимини сезиларли даражада ёмонлаштиради ва ўзан юқори бьефининг нормал шаклланишини ўзгартириши мумкин.

Ушбу ҳодисаларни модель ва дала шароитларида жаҳоннинг турли мамлакат олимлари томонидан ўрганилиши натижасида айрим гидроузелларда шароитларни яхшилаш ва уларни ҳисоблашнинг яқинлаштирилган усулини бериш мақсадида лойқа босиши ва лойқага тўлиш динамикасини схемалаштириш учун аниқ таклифлар бериш имконини яратди.

Ўзан гидравликасининг ҳозирги замонавий ҳолати малум маънода гидроузелларнинг бьефларида дарё ўзанидаги қайта шаклланишни ҳисоблаш имконият яратади, бироқ бу соҳада ҳодисанинг мураккабли туфайли жуда кўплаб саволлар очик қолмоқда.

Диссертациянинг «**Паст босимли Тахиатош гидроузелининг юқори бьефидаги ўзан жараёнларининг дала тадқиқотлари**» номли учинчи бобида гидроузеллар қурилгандан кейин Амударёнинг гидрологик ва чўкинди режимларини ўзгариши бўйича, Тахиатош гидроузелининг шит тўғонларини эксплуатация қилиш режими бўйича ва Тахиатош гидроузелининг юқори бьефида лойқа босиш жараёнларининг шаклланиш қонуниятлари бўйича янги тадқиқотлар натижаси келтирилган.

Амударёнинг чўкиндилар режимини эркин ҳаракати шароитида ўрганиш билан кўплаб олимлар шуғулланишган (Н.А.Цветкова, В.Л.Шульц, М.М.Рогов ва бошқалар). Ушбу тадқиқотлар натижаси кўрсатишича, йилнинг тошқин мавсумларида (май-август ойлари) Амударёдаги чўкиндиларда $d < 0,01$ мм ўлчамли заррачаларнинг миқдори 10 % ни, чанг фракцияларнинг $d = 0,01-0,05$ мм миқдори 60-65 % га тенг, майда қумнинг ($d = 0,05-0,25$ мм) миқдори 25-30 % ни ташкил этади. Кам сувли даврда эса $d > 0,05$ мм ўлчамли фракцияларнинг миқдори бироз ошиб, 40-45% гача етади. Дарё тубининг кўтарилиши асосан, оқим ва чўкмаларининг чўкиндилар ($d > 0,05$ мм) билан тўлиб кетиши ҳисобига юз беради.

Тахиатош гидроузели 1974 йилда эксплуатацияга туширилган ва унга қарашли суғориш тизимларини ишончли сув билан таъминлаш учун мўлжалланган. Гидроузелни жойлаштиришда Қизкеткен ва Суенли каналларига сув олишни сақлаш мақсадида тўғонни чап қирғоқда

жойлаштириш билан дарёнинг ботиқ қирғоқларида икки томонлама кетма-кет сув олиш принципи қабул қилинган.

Тахиатош ва Туямўйин гидроузелларини биргаликда эксплуатация қилиш даврида Амударё дарёсининг чўкиндилар режими ўрганиш шуни кўрсатдики, Тахиатош гидроузелининг таъсир зонасига кириб келаётган қаттиқ оқим миқдори, ўта бошқарувчанлик ва кам сувлилик таъсири остида сув сарфининг кескин камайиб кетиши сабабли сезиларли даражада қисқарди (ўртача 4 марта камайди).

Сув омборлари ва гидроузелларининг юқори бьефларидаги чўкиндилар кўчишини ҳисоблашнинг мавжуд усуллари чўкинди зарраларининг ўртача гидравлик йириклигини шартли катталиги (ўртача диаметри) кўринишида чўкинди таркибининг тавсифларидан фойдаланишга асосланади.

Тахиатош гидроузелининг таъсир зонасидаги муаллақ чўкиндиларининг ўртача гидравлик йириклигини ҳисоблаш ва уни башорат қилиш учун биз томонимиздан дала тадқиқотлари ва Гидрометрик станция бошқармаси (ГМСБ) материаллар таҳлили натижасида олинган қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\bar{W} = 1,25 + \frac{1}{1,73 \cdot \rho} \quad (1)$$

Тахиатош гидротехник комплексининг асосий иншоотларини ишлаш режими ва сув олиш иншоотларини асосан сув олиш коэффиценти, яъни умумий сув олиш миқдорини шит тўғонининг олдида жойлашган створдаги сув сарфига нисбати билан тавсифланадиган Амударёнинг бошқарилиш даражаси ва сувлиликка боғлиқ равишда кўриб чиқишимиз мумкин:

$$K_{c.o.u.} = \sum Q_{c.o.u.} / Q_{cтв.} \quad (2)$$

бу ерда: $\sum Q_{c.o.u.}$ - умумий сув олиш иншоотининг миқдори;


$Q_{cтв.}$ - шит тўғонининг олдида жойлашган створдаги сув сарфи;

$$Q_{cтв.} = Q_{c.o.u.} + Q_{сб} + Q_{ГРЭС} \quad (3)$$

Тахиатош гидроузелини эксплуатация қилиш ва ГМСБ маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, гидроузелнинг юқори бьефидаги ўзанли жараёнларнинг бориш характери асосан дарёнинг сувлиликка боғлиқдир ва қуйидаги характерли йилларнинг гидрологик режимлари билан аниқланади: кўп сувли йиллар ($K_{c.o.u.}=0,25$); ўртача сувли йиллар ($K_{c.o.u.}=0,55$); кам сувли йиллар ($K_{c.o.u.}=0,90$). 1-расмда ушбу тавсифли йиллар учун йил ичи кесимида сув олиш иншоотининг коэффицентини ўзгариш графиги келтирилган, бу ерда йилнинг сувлиликни тавсифловчи учта мустақил тўғри чизиклар ажралиб турмоқда:

$$H_{ю.б.} = K_{c.o.u.} Q_{cтв.} \quad (4)$$

бу ерда: $H_{ю.б.}$ - юқори бьефдаги сув сатҳи; $K_{c.o.u.}$ - сув олиш иншоотининг коэффиценти.



1-расм. Дарёнинг сувлигига боғлиқ равишда сув олиш коэффициентининг ўзгариши: 1-кам сувли йиллар (1980, 1990, 1997, 2000, 2018 йиллар); 2-ўртача сувли йиллар (1976, 1991, 1996, 2003, 2016 йиллар); 3-кўп сувли йиллар (1978, 1988, 1992, 1998, 2005, 2010, 2015 йиллар).

Ушбу графикларга кўра, сув олиш коэффициентининг ўртача қиймати: кам сувли йиллар учун $K_{с.о.и.} = 0,90$; ўртача сувли йиллар учун $K_{с.о.и.} = 0,55$; кўп сувли йиллар $K_{с.о.и.} = 0,25$ ларга тенг.

Статистик ҳисоблар натижасида бошқариш даражасининг қийматлари аниқланди:

$$\eta = 1 - Q_{\text{ўр.бошқ.}} / Q_{\text{ўр.дастл.}} \quad (5)$$

Гидроузелнинг юқори бьефида тўғондан оқим бўйича юқорига қараб 17,5 км гача ҳудудни қамраб олувчи 46 та бириктирилган створлар мавжуд. Гидроузелнинг пастки бьефида тўғондан оқим бўйича пастга қараб 14 км гача ҳудудни қамраб олувчи 31 та бириктирилган створлар мавжуд. Асосий створлар орасидаги масофа ўртача 500 м дан иборат.

Тахياتош гидроузели юқори бьефининг сув олиш шароитларига ва гидроузелнинг ишига ноқулай таъсирини аниқлаш 1973-1979 йиллар давомида САНИИРИнинг Ўзан жараёнлари бўлими ва Қорақалпоғистон филиали томонидан берилган эксплуатация дала маълумотлари, 1982-1984 йилларда ва САНИИРИнинг Қорақалпоғистон филиали томонидан 1996-2000 йилларда бошқарилган шароитда олиб борилган тадқиқот маълумотлари, ҳамда 2010-2016 йилларда Қорақалпоқ Давлат Университети, гидроузелнинг эксплуатация хизмати, Қипчоқ ва Саманбой постлари бўйича ГМСБнинг гидрологик маълумотларини ҳар томонлама комплекс таҳлил қилиш асосида амалга оширилди.

Таҳлил, Средазгипроводхоз томонидан ўрнатилган створлар бўйича, кўндаланг кесимнинг деформация майдонлари бўйича гидроузелни эксплуатация қилишнинг турли даврларида ўтказилган ўзан суръатлари материалларини қиёслаш асосида ўзанни қайта шаклланиш жараёнини баҳолашдан иборат бўлди, бунда юқори бьефдаги сув билан димланиш эгриси узунлигини ўзгариши ва чўкинди хажмлари аниқланди.

Ўлчовлар натижаси бўйича бириктирилган створларнинг биргаликдаги кўндаланг қирқимлари қурилди, улар асосида 1973 йилдаги эркин ўзанга нисбатан лойқа босиш ва ювилиш майдонлари аниқланди ва ўлчовлар билан

камраб олинган ҳудудларнинг бутун узунлиги учун чўкинди ва ювилиш хажмлари, ҳамда хар бир створ тубининг ўртача сатҳи аниқланди.

Кам сувлилик сабабли Тахиатош гидроузели деярли доим димлаш режимида ишлайди ва димлаш эгрисининг участкасида тезлик пасайиб кетади, чўкмаларнинг жадал чўкиши ва дарё тубининг кўтарилиши юз беради. 1973 йилнинг суръатидаги кўндаланг кесимларни хар бир кейинги йил билан қиёслаш натижасида аниқланган 17,5 км узунликдаги дарёнинг димланиш участкасидаги чўкиндиларнинг лойқаланиш хажмлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тахиататош гидроузелининг эксплуатация даврида юқори бьефнинг лойқа босиш жадаллиги (млн.м³)

Тавсиф	Эксплуатацияга туширилгандан кейинги йиллар								
	1	2	3	4	9	10	23	24	25
W_3 , млн.м ³	9,34	13,24	14,60	17,88	21,60	21,67	20,26	23,57	16,24
фарқи	9,34	3,90	1,36	3,28	3,72	0,07	-1,41	3,71	-7,33
η_v	0,42	0,53	0,66	0,81	0,98	0,985	0,92	1,09	0,74

Изох. $W_{чўк}$ – лойқа чўкиш хажми; η_v – лойқа босишнинг нисбий ҳажми $\eta_v = V/V_q$; бу ерда: V – димланиш бьефининг лойқа босиш хажми; V_q – лойқа босишнинг чегаравий хажми $V_q = W - V_3 = 50$ млн.м³ – 28 млн.м³ = 22 млн.м³; W – НДСда барча димланиш бьефнинг хажми; V_3 – ўзан хажми, қуйидаги формула бўйича ҳисобланади $V_3 = HBL$.

1-жадвалда келтирилган олдинги съемкалар билан лойқа босиш хажмларини таққослаш орқали топилган ўлчаш маълумотлари шуни кўрсатадики, 4 ва 9-кузатув йилларида лойқа босиш хажми 21,60 млн.м³ ни ташкил қилди (деярли ўзанининг чегаравий лойқа босишига тенг $\eta_v = 0,98$), ўзан тубининг ўртача отметкаси 1,5-2,0 м га кўтарилди. Юқори бьефнинг узунлиги бўйича лойқа босиш қатламининг қалинлиги тўғони томон йўналиши катталаниб борди. 9-кузатув йилида юқори бьефнинг 46 дан 12 створгача бўлган участкасида, чўкиндиларнинг чўкиши бутунлай тўхталди. Ушбу йилда ювилиш ва лойқа босиш хажмларига мувофиқ, чўкиндиларни жадал кириб келиши ва дарё ўзанининг ўсиши кузатилган, бьефларнинг қайта шаклланиш жараёни давом этилди.

Диссертация ишида 3.12-расмда ўлчов маълумотлари бўйича ҳисобланган тубининг ўртача отметкалари бўйича тўғоннинг юқори бьефидаги дарёнинг бўйлама қирқими келтирилган, бу ерда лойқа босиш майдони оқим бўйича тепа томонга ўлчовлар ўтказилган узунликдан 17,5 км дан 2-3 марта катта узунликка тарқалади.

Юқори бьефнинг қайта шаклланиш жараёнларини қонуниятлари одатда ўзанда чўкиндиларнинг йиғилиши натижасида туби ва сув сатҳининг кўтарилиши кўринишида ифодаланади. Паст босимли тўғонларни димланган бьефларидаги ўзани қайта шаклланишини баҳолаш ва башорат қилиш учун ўзан шаклланиш босқичларини давомийлигини ва уларнинг мезон кўрсаткичларини ўрнатиш жуда муҳим. Кўплаб назарий ва дала тадқиқотларининг тахлили натижасида паст босимли гидроузелларни

эксплуатация қилишда бьефларда лойқа босиш, лойқа кириб келиши ва ювилиш жараёнларининг шаклланиш даврларини тўлдирдик ва аниқлаштирдик (2- жадвал).

2- жадвал

Паст босимли тўғонларнинг бьефларидаги ўзан жараёнлари шаклланишининг тавсия этиладиган босқичлар

Шаклланиш босқичлари	Жараёнлар номи			
	Юқори бьефда	$\varphi_l = L/L_0$	Пастки бьефда	$\alpha_h = h/h_0$
I	Димланиш ҳосил қилиниб, барча келаётган чўкиндилар ва қисман қуйқалар чўқади. Тубининг сатҳи ва сув сатҳи кўтарилади. Босқичнинг тугалланиши пастки бьефга чўкиндиларнинг кириб кела бошлаши ва қуйқаларнинг тўлиқ ўтказилиб юборилишига (транзит) тўғри келади.	$\varphi_l = 1-2$	Тиндирилган сув оқими кириб келади, ўзаннинг жадал ювилиши ва сув сатҳининг пасайиши рўй беради. Босқич охирида бьефга чўкиндилар кириб кела бошлайди. Ўзаннинг ювилиши секин-аста барқарорлашади.	$\alpha_h > 1,0$
II	Ҳосил бўлган чўкиндилар тўплами призмаси асосий иншоотлар фронтига етиб боради ва оқим бўйича юқори томон тарқалади, димланиш эгриси ҳолатини ўзгартиради. Босқич охирида йирик ўзанли шаклларнинг пайдо бўлиши кўзатилади.	$\varphi_l = 3-4$	Кириб келаётган чўкиндилар миқдори кўпаяди ва ташлама сув сарфининг ташиш қобилиятига тўғри келадиган миқдордан ошиб кетади. Дарё туби ўсиб боради ва босқич охирида олдинги мавжуд ўзан сатҳларида тўхтади.	$\alpha_h = 4-6$
III	Кириб келаётган чўкиндилар чўкиши секинлашиб сўнади ва кириб келиш ҳисобига димланиш эгриси узаяди. Босқич охирида тавсифи бўйича деярли тўлиқ чўкиндилар транзити юз беради.	$\varphi_l \geq 5$	Йирик ўзан шакллари кириб келади ва эркин дарё ўзанининг пастки бьефнинг лойқа тўлиш юз беради. Босқич охирида лойқа тўлиш ҳолати гидроузелни бошқаришни қийинлаштиради.	$\alpha_h < 0,6$

бу ерда: $\varphi_l = L/L_0$ – димланиш тарқалишнинг нисбий узунлиги (L_0 – даслабки димланиш узунлиги, L – димланган бьефлардаги чўкиндиларнинг тарқалиш узунлиги); $\alpha_h = h/h_0$ – пастки бьефдаги деформациянинг нисбий чуқурлиги (h – деформация жараёнида пастки бьефдаги оқим чуқурлиги, h_0 – пастки бьефдаги дастлабки оқимнинг чуқурлиги).

Юқори бьефдаги тўпланувчи чўкиндилар ҳажми қуйидаги формуладан аниқланади:

$$V_{л.б.} = \rho Q T (1 - \eta_V) / \gamma_{чўк} \quad (6)$$

бу ерда: Q – ҳисобли йил учун ўртача ойлик сув сарфи; $\rho = \rho_{муал.} + \rho_{туб}$ – ҳисобли створдаги оқимнинг умумий лойқалиги; $\gamma_{чўк}$ – чўкиндиларнинг ҳажмий оғирлиги; T – лойқа босиш вақти.


Бундай турдаги шаклланишларнинг давомийлиги димланиш катталиги, мустаҳкам оқим ва гидроузелдаги сув олишга, ҳамда участканинг нишаблигига боғлиқ бўлади. Димланиш 5 м гача, кенг бьефли тўғонлар учун

дарёнинг текисликдаги участкаларида шаклланишнинг I босқичининг давомийлиги 3-4 йилдан ошмайди, II босқичининг давомийлиги 5-6 йилга етади, III босқичининг давомийлига эса 20 йилдан кўп.

Тахиатош гидроузелида бажарилган тадқиқотлар натижасида юқори бьефни лойқа босишини ҳисоблаш усуллари текширишга имконият яратди.

Диссертациянинг «Паст босимли тўғон юқори бьефининг қайта шаклланишини баҳолаш» деб номланган туртинчи бобида Тахиатош гидроузели юқори бьефидаги ўзан жараёнларини башорат ҳисобларнинг натижалари, паст босимли гидроузелларнинг юқори бьефидаги лойқа тўлиш жараёнларини ҳисоблаш ва башорат қилишнинг таклиф этилаётган муҳандислик усуллари келтирилган.

Тахиатош гидроузелида ўтказилган дала тадқиқотларининг маълумотлари бўйича С.Т.Алтунин, И.А.Бузунов, В.С.Лапшенков, Ф.Ш.Мухамеджанов ва В.А.Скрыльников усуллари башоратли ҳисобларини ишончлилиги текширилди. Кўп йиллик тадқиқотларнинг маълумотларига кўра, паст босимли гидроузелларнинг димланган бьефларининг лойқа босиши жараёнларини баҳолаш учун чўкиндиларни чўктириш ва лойқа босиш ва лойқа тўлиши участкалари бўйича кетма-кет димланишни нураш ҳисобий схемалари қабул қилинди (2-расм). Бьефлардаги шаклланиш жараёнларидаги ўрнатилган характерли моментлар 2-жадвалда берилди.



2-расм. Гидроузел юқори бьефидаги лойқа босиш ва лойқа тўлиш жараёнларининг ҳисобий схемаси

Амударё шароитлари учун ўзанли сув омбори ёки димланган бьефларининг лойқа босишини тўғалланиши шундай даврга тўғри келадикки, ушбу даврда муаллак ва туб чўкиндиларининг ҳаммаси пастки бьефга ўтказилишини таъминловчи нишабли ўзан шаклланади, яъни қуйидаги тенглик бажарилади:

$$\rho_{\text{муал.}} + \rho_{\text{туб}} = (1,1 \dots 1,11) \rho_0, \quad (7)$$

бу ерда: $\rho_{\text{муал.}}$ ва $\rho_{\text{туб}}$ – юқори бьефнинг лойқа босган қисмида шаклланадиган оқим учун муаллак ва туб чўкиндиларининг критик лойқалиги; ρ_0 – дарёнинг эркин шароитлари учун дарё оқимининг лойқалиги.

(7) формула юқори бьефни лойқа босишини ҳисоблаганда ҳисобга олиш керак.

Муаллак чўкиндиларнинг критик лойқалиги К.И.Байманов формуласи ёрдамида ҳисобланади, бу формула А.Н.Гостунский ғоясининг ривожланишига туртки бўлди:

$$\rho_{\text{муал.}} = \frac{\alpha\gamma}{\delta} \cdot B \cdot \frac{U_*}{\bar{W}} \cdot Fr \left(\frac{\sqrt{g}}{C} \right)^2, \quad (8)$$

бу ерда: $U_* = \sqrt{ghi}$ - оқимнинг динамик тезлиги; \bar{W} - чўкиндиларнинг ўртача гидравлик йириклиги, ўнинг қиймати (1) формула ёрдамида аниқланади; $\alpha = \sqrt{|U'|^2} / U_*$ - тезлик коэффиценти; Fr - Фруд сони; B - оқимнинг ташувчанлик қобилияти коэффиценти.

Тубдаги чўкиндилар миқдорини муаллак чўкиндиларнинг 10-11 % миқдорига тенг деб қабул қилинди ёки Г.И.Шамов формуласидан

аниқланади:

$$q = K \left(\frac{U_{\text{ўпм}}}{U_0} \right)^3 (U_{\text{ўпм}} - U_0) \left(\frac{d_{\text{ўпм}}}{H} \right)^{0,25}, \quad (9)$$

бу ерда: $K = 0,95\sqrt{d_{\text{ўпм}}}$ - тубдаги чўкиндилар таркибини ҳисобга олувчи коэффиценти; $U_{\text{ўпм}}$ - вертикал бўйича ўртача тезлиги; U_0 - чўкиндилар ҳаракатининг ўртача тўхташ тезлиги; $d_{\text{ўпм}}$ - тубдаги чўкиндиларнинг ўртача диаметри; H - вертикал бўйича чуқурлик.

Юқори бьефнинг чегаравий лойқа босишига мос нишаблик қийматини В.С.Лапшенков формуласи бўйича аниқлаш тавсия этилади:

$$J_{\text{ч}} = 0,00625(\rho\bar{W})^{0,7} \cdot Q^{-0,095} \quad (10)$$

бу ерда: $\rho\bar{W}$ - ўзан шаклландиган сарф Q да майда кумли чўкиндилар билан оқимнинг эркин юкласи,

Юқори бьефнинг чегаравий лойқа босиш ҳажмини Г.И.Шамов формуласи билан аниқлаш тавсия қилинди:

$$W_{\text{чез.}} = W(1 - (w_{\text{д}} / w_0)^{1,7}), \quad (11)$$

бу ерда: $w_{\text{д}}$ - дарёнинг дастлабки шароитлардаги кўндаланг кесими; w_0 - тўғонга яқин участка учун бьефнинг кўндаланг кесими.

Тадқиқотлар материаллари шуни кўрсатадики, чўкиндилар билан оқим шакллантирадиган ўзанининг кўндаланг кесими юзаси, шакли бўйича учинчи даражали парабола эгрилигига жуда яқин, шунинг учун қуйидагиларни қабул қилиш мумкин:

$$w = \frac{3}{4} H_{\text{max}} \cdot B \quad (12)$$

ва

$$H_{\text{max}} = 1,33H_{\text{ўпм.}} \quad (13)$$

Оқим билан шакллантирилган ўзан кўндаланг кесимининг ўлчамлари биз таклиф қилаётган боғлиқлик бўйича аниқланади:

$$B = 1,5\sqrt{Q/U_*} \quad (14)$$

ва

$$H_{\text{урт.}} = 0,043\sqrt{Q/U_*} \quad (15)$$

бу ерда: Q – сув сарфи; $U_* = \sqrt{ghi}$ - динамик тезлик.

Тўғондан l_x масофада жойлашган створдаги юқори бьефда оқим билан шакллантирилган ўзан туби $\Delta_{\text{ш}}$ сатҳи қуйидаги формуладан топилади:

$$\Delta_{\text{ш}} = \Delta_{\text{д}} + H_{\text{димл.}} - (i_{\text{д}} - i_0)l_x - H_{\text{урт.}}, \quad (16)$$

бу ерда: $\Delta_{\text{д}}$ – створдаги дарё тубининг дастлабки даврдаги отметкаси; i_0 – ўзаннинг шаклланган лойқа босган юқори бьефининг туб нишаблиги; $i_{\text{д}}$ – дастлабки даврдаги тубининг нишаблиги; $H_{\text{урт.}}$ – шаклланган ўзаннинг ўртача чуқурлиги; $H_{\text{димл.}}$ – тўғон олдидаги димланган бьефнинг чуқурлиги.

Гидроузел юқори бьефининг дастлабки димланиш эгри чизигини Р.Р.Чугаевнинг соддалаштирилган усули бўйича қуриш тавсия этилади, бу усул участка бўйича нотекис харакатланиш тенгламасини ечишдан иборат. $F(\eta)$ функциясининг қиймати ўзаннинг барча участкалар учун, гидравлик кўрсаткичи $x = 4$ бўлганда Б.А.Бахметьев жадвали ёрдамида аниқланади.

Димланишнинг умумий узунлигини аниқлаш учун С.Т.Алтунинг тавсия қилган тахминий боғлиқликдан фойдаланиш мумкин, боғлиқлик қуйидаги кўринишда бўлади:

$$L = \Delta H / J_{\text{д}} - J_{\text{нишаб.}}, \quad (17)$$

бу ерда: L – лойқа босиш призмасининг узунлиги; ΔH – гидроузел қурилмаган даврдаги ва димланиш сув сатҳларининг фарқлари; $J_{\text{д}}$ - сув сатҳининг дастлабки даврдаги нишаблиги; $J_{\text{нишаб.}}$ – димланиш ҳосил қилингандан кейинги тўғон олдидаги нишаблик.

Димланган бьефларда чўкиндилар призмасининг тарқалиш узунлиги: I босқич охирида – 2 узунликка; II босқич охирида – 5 узунликка; III босқич охирида – 7 узунликка етади.

Шаклланиш босқичларнинг давомийлиги қуйидаги боғланишдан аниқланади:

$$T = W / \varepsilon G, \quad (18)$$

бу ерда: T – димланган бьефнинг тўлиш давомийлиги; W – тўлиш давомийлиги; G – қаттиқ жисмларнинг оқими; $\varepsilon = (\rho_{\text{кир}} - \rho_{\text{чик}}) / \rho_{\text{кир}}$ - димланган бьефда сувни тиниклаштириш коэффициентини ($\rho_{\text{кир}}$ ва $\rho_{\text{чик}}$ – кириш ва чиқиш қисмлардаги сувнинг лойқалиги).

Шаклланиш босқичларнинг давомийлиги асосан димланиш катталигига, участканинг нишаблигига, қаттиқ жисмларнинг оқим катталигига боғлиқ бўлади. Димланиш 5 м гача бўлган тўғонлар учун дарёнинг текисликдаги участкаларида шаклланишнинг I босқичининг давомийлиги 3-5 йилдан ошмайди, II босқичининг давомийлиги юқорида қайд этилган омилларга ва сув олиш хажмига боғлиқ равишда 7-8 йилга етади ва III этап 20 йилдан ошиқ.

Катта миқдорда лойқа босиш чўкиндиларни муаллақ оқизикларни ташувчи дарёларда димланган бьефларни ҳисоблаш учун, димланиш

участкасидаги ҳисобий даврда лойқа босиш хажмлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$W_{л.б} = 1,1(\rho_{куп} - \rho_{чик})86,4Qt / \gamma_{чўк}, \text{ м}^3 \quad (19)$$

бу ерда t – ҳисобий даврининг давомийлиги, сут.; $\gamma_{чўк}$ – чўкиндининг ҳажмий оғирлиги, т/м³.

Лойқа тўлиш ҳисобини, лойқа босиш тугаган створдан бошлаб бажарилади. Сўнг (12)-(15) формулалардан кўндаланг кесимнинг элементлари ҳисобланади, кейин эса лойқага тўлишда қўшимча димлашнинг характеристикалари ҳисобланади.

Лойқа тўлиш жараёнини геометрик схематиклаштиришдан келиб чиқиб юқори бьефдаги лойқа тўлишнинг давомийлигини қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин:

$$t_{мыб} = \gamma_{чўк} h_{чўк.пр.}^2 / [2(i - i_0)q_{чўк.}], \quad (20)$$

бу ерда: $\gamma_{чўк}$ – чўккан чўкиндилар зичлиги; $h_{чўк.пр.}$ – пастки бьефга чўкиндилар кира бошлаган вақтда чўкинди призмасининг фронтини ўртача баландлиги (тадқиқотлар маълумотларига кўра $h_{чўк.пр.} = 1,5-2,0$ м); i_0 – худди шу вақтда чўкинди призмаси юзасининг бўйлама нишаблиги ($i_0 = \Delta H/L_{чўк.пр.}$); i – дарёнинг бўйлама нишаблиги; $q_{чўк.}$ – тубдаги чўкиндиларнинг солиштирма сув сарфи (қузатувлар маълумотлари бўйича қабул қилинади).

Сўнг ҳисобий вақт интервали ичида бутун узунлик бўйича қўшимча димланишнинг лойқа босиш хажми аниқланади:


$$W_{мыб} = G_{мыб} \cdot t_{мыб} / \gamma_{чўк.} \quad (21)$$

бу ерда: $G_{мыб}$ – лойқа билан тўлишда иштирок этаётган тубдаги чўкиндиларнинг йиллик оқими; $\gamma_{чўк.}$ – уларнинг ҳажмий оғирлиги; $t_{мыб}$ – аккумуляция бошидан ҳисобий створга туб лойқа босишнинг қуйи чегараларининг ҳаракатланиши моментигача бўлган вақт.

Димланган бьефларнинг лойқа тўлиш билан кураш муаммоси ҳозирги кунда долзарб муаммо бўлиб, халқ хўжалиги аҳамиятига эгадир. Тўпланган чўкиндилар билан самарали курашиш усулларидан бири бу димланган бьефларни ювиш ҳисобланади. Тўпланган чўкиндиларни ювишни ҳисоблаш тартиби диссертациянинг 4.5 параграфида келтирилган.

Димланган бьеф лойқага тўлиши билан гидроузел қурилмастан олдинги режими катталигигача оқимнинг барча гидравлик элементлари тикланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бьефлар шаклланишининг I босқичда баландлиги 1,65-3,5 м бўлган барча затворларнинг очилишида (23 оралик) шит тўғони орқали тўлинсув сув сарфларининг ўтиши ўтказиш қобилятига яқин кўрсаткични кўрсатди ($\mu = 0,46$), бьефлар шаклланишининг II ва III босқичларида сув сарфи коэффициентига ($\mu = 0,33$), ҳамда ($\Delta Z=0,20$ м гача) тенг бьефлардаги сатҳлар фарқига эга шит тўғонининг нисбатан паст сув ўтказиш қобилятини кўрсатди (3-расм). Шит тўғонининг сув ўтказиш қобилятининг бундай пасайиши ўзан жараёнларининг қайта шаклланиши билан боғлиқдир.




3-расм. Тахиатош гидроузели шит тўғонининг эксплуатация жараёнида сув ўтказиш қобилиятининг пасайиши:

I – эгри чизик – шит тўғоннинг сув босмаган ишлаш режимини тавсифлайди; II – эгри чизик – шит тўғоннинг сув босган ишлаш режимини тавсифлайди.

Паст босимли гидроузеллар бьефларини ўзанли қайта шаклланишининг боришини гидроузел эксплуатацияси хизматининг кузатув материаллари ва УГМСнинг яқин жойлашган постларининг маълумотлари бўйича башорат қилиш мумкин. Ушбу маълумотларни таҳлил қилиш натижасида дарё гидроузелларининг бьефларида ўзанли жараёнларнинг боришини башорат қилишни баҳолаш усуллари ишлаб чиқилди. Тахиатош гидроузелининг юқори бьефини лойқа босиши ва лойқага тўлишини башорат қилиш учун кузатув маълумотлари стандарт эгри чизикли боғлиқликда $Q=f(H)$ акс эттирилди, бунда эксплуатациянинг биринчи йилларида қурилган Қипчоқ гидрости ва кейинги даврлар маълумотларидан фойдаланилди (4.3-расм диссертацияда келтирилган).

Ушбу графикда нуқталарнинг жойлашуви димланиш зонасида сув сатҳларининг кўтарилишини ва димланиш эгри чизигини тарқалишининг хақиқий узунлигини тавсифлайди. Ушбу эгри чизикларнинг жойлашувига қараб шундай хулосага келиш мумкин, яъни юқори бьефнинг жадал лойқа босиши 1990 йилдан бошлаб кузатилди ва 2010 йилга келиб, Қипчоқ гидростида лойқа босган қатламнинг қалинлиги 1,0 м гача етди, натижада димланиш эгри чизигининг тарқалиш узунлиги бир неча километргача етди, яъни Қарамиштош гидрости гача етди (76 км) (4-расм).



4-расм. Амударёдаги Тахиатош гидроузелининг юқори бьефидаги бошқариладиган ўзан жараёнларининг тавсия қилинаётган схемаси (кам сувли, 2019 й.)

1 – тўғон; 2, 3 – тош қопламали бўйлама тўкма тупроқли дамбалари; 4, 5 – биринчи (пионер) ўйилмалар; 6 – тупроқли тўсиқ; 7 – оқим тўғрилагичлар; 8 – шпора №1; 9 – ҳақиқий қирғоқ чегараси.

Юқори бьефнинг жадал лойқа босиши ва ўзанининг қайта шаклланиши натижасида гидроузелни эксплуатация қилишда ва сув олиш шароитларида бир қанча жиддий қийинчиликлар пайдо бўлди. Шунинг учун, юқори бьефдаги ўзанли жараёнларни бошқариш бўйича бир нечта тавсиялар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқариш ташкилотларига йўналтирилди (4-расм). Сув ташлама иншоотининг (шит тўғони) ўқи бўйича пионер ўйилма ускунаси ва иккита жойда четидаги иккита ўтувчи дамбалар билан бирга тўлинсув даврда оқимга ўзани тезкор равишда ҳосил қилиш имкониятини берувчи ва Тахиатош гидроузелини хавфсиз ишлашини таъминловчи тўкма дамбалар таклиф этилди.

ХУЛОСАЛАР

«Паст босимли тўғонларнинг юқори бьефидаги қайта шаклланиш қонуниятларини ва ҳисоблаш усулларини илмий асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиотлар асосида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Назарий, дала ва экспериментал тадқиқотлар, шунингдек, иншоотлар эксплуатацияси бўйича кузатувлар таҳлили куйидаги хулосаларни қилишга имкон беради, гидравлик иш шароитлари, сув олиш тармоғининг компановкаси ва бьефлар қайта шаклланишининг ноқулай таъсирларини гидроузел шароитининг ва бутун тармоқнинг ишлашига нисбатан ҳисобга олиб, ҳозирги кунда кўп миқдорда лойқа оқизиқларини олиб келувчи текисликдаги дарёларда паст босимли гидроузеллар бьефларининг қайта шаклланишида ўзан жараёнларининг боришини башорат қилиш энг долзарб муаммо ҳисобланади.

2. Сув олиш коэффициентлари: $K_b = 0,90$ – кам сувли йиллар; $K_b = 0,25$ – кўп сувли йиллар, $K_b = 0,55$ – ўртача сувли йиллар учун кўп йиллик кузатувлар асосида паст босимли гидроузеллар гидравлик иш режимини дарё сувлилигига қараб, асосий иншоотлар ва каналларга сув олиш иш шароитларини тезкор аниқлаш имкониятини берувчи усул ишлаб чиқилди.

3. Гидроузелнинг 10 йиллик эксплуатация даври учун рухсат этилган лойқа босиш ҳажми 21,60 млн.м³ ни (деярли ўзаннинг чегаравий лойқа босишига тенг $\eta_v = 0,98$) ташкил қилди, тубининг ўртача отметкаси 1,5 – 2,0 м. гача кўтарилганлиги тадқиқот натижаларида аниқланди. Бундан келиб чиқиб, юқори бьефнинг қайта шаклланиш жараёни 10 йиллик эксплуатациядан кейин тўхтаган. Шундай қилиб, лойқа босиш жараёни 17,5 км узунликдаги участкада тутаган ва лойқа тўлиш жараёни давом этган, яъни оқим бўйича юқorigа қараб димланиш эгри чизиғи 50 км дан ортиқроқ узайиб борган.

4. Мавжуд ўлчовлар бўйича аниқланган ҳажмлар билан бирга гидроузелнинг ҳақиқий ишлаш шароитларидан келиб чиқиб, Ф.Ш.Мухамеджанов ва В.С.Лапшенков усуллари бўйича ҳисобланган тадқиқот участкаларидаги лойқа босиш ҳажмлари таққосланди. Натижада чўкиндиларнинг ҳисобланган ҳажмлари ўлчанган ҳажмлардан 10-12 % га фарқ қилади, тўлин сув сарфлари ўтказилганда эса 60 % гача бўлиб, бунда чўкиндиларни ювиш ҳисобга олинмаганлигини аниқлаш имкониятини яратди.

5. Мавжуд содалаштирилган баланс усуллари таҳлил қилиш ва дала тадқиқотларининг маълумотлари асосида гидроузелларнинг нормал ҳолатда эксплуатация қилишда ноқулай таъсирларни башорат қилиш имконини берувчи паст босимли тўғонларнинг юқори бьефидаги ўзанли жараёнларининг қайта шаклланишини баҳолашнинг муҳандислик усуллари ишлаб чиқилди.

6. Димланган бьефларнинг тахминий ҳисоби учун бьефларнинг шаклланиш жараёнида характерли моментларни ҳисобга олишни дала ва экспериментал тадқиқотлар кўрсатди. Ушбу омилларни ҳисобга олиб, текисликдаги дарёлар тўғонларида лойқага тўлишининг шаклланиш босқичлари ишлаб чиқилди.

7. Чўкиндиларнинг чўкиш призмаси ҳосил қилган қўшимча димланиш соҳаларида бьефларнинг лойқага тўлишини яқинлаштирилган ҳисоби бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Юқори бьефдаги нисбий нишаблик ва қўшимча димланиш эгри чизиғи координаталари, давомийлиги ва лойқа тўлиш ҳажмини ҳисоблаш формулалари тақриф этилди.

8. Дарёларнинг сатх режимлари ёрдамида гидроузеллар бьефида ўзан жараёнларини башорат қилишни баҳоловчи содда, гидрометрик асосланган усул ишлаб чиқилди. Ўзан жараёнларининг жадаллигини назорат қилиш ва ноҳуш вазиятларнинг келиб чиқишини билиш – гидроузелларнинг кўп йиллик ГМСБ ва эксплуатация хизмати маълумотларидан фойдаланиб, юқори ва пастки бьефлар учун стандарт эгри чизикларни $Q = f(H)$ таққослаш ушбу усулнинг моҳиятини ташкил қилади.

9. Бошқариш иншоотларида (бўйлама дамбалар ва қирқимлар) оқимни бошқариш ва «лойқа тўлиши-ювиш» схемаси бўйича олиб келувчи ва олиб кетувчи ўзанларни ювиш орқали паст босимли гидроузелларни лойқага тўлиши билан курашиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БАЙМАНОВ РУСЛАН КЕНЕСБАЕВИЧ

**НАУЧНОЕ ОБОСНОВАНИЕ ЗАКОНОМЕРНОСТИ И МЕТОДОВ
РАСЧЕТА РУСЛОВЫХ ПЕРЕФОРМИРОВАНИИ ВЕРХНЕГО БЬЕФА
НИЗКОНАПОРНЫХ ПЛОТИН**

05.09.07 - Гидравлика и инженерная гидрология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/T1486

Диссертация выполнена в Каракалпакском Государственном Университете им. Бердаха.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tiame.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: **Базаров Дилшод Раинмович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Эшев Собир Саматович**
доктор технических наук, профессор

Гаппаров Фуркат Ахматович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский архитектурно-строительный институт**

Защита диссертации состоится «11» Июня 2021 года в 16⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары-Ниязий, д. 39. Тел.: (+99871)-237-19-61; 237-22-09, факс: (+99871) 237-54-79; e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано №166). Адрес: 100000, Ташкент, Кары-Ниязий, 39. тел (+99871) 237-19-45.

Автореферат диссертации разослан «26» Мая 2021 года.
(реестр протокола рассылки №21/26 «Мая» 2021 года).



Т.З.Султанов

член научного совета по
ученым д.т.н., профессор

А.А.Янгиев

член научного совета по
ученым д.т.н., профессор

Э.Ж.Махмудов

Председатель научно-исследовательского комитета при научном совете по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире оценка русловых процессов в верхнем бьефе речных гидроузлов, а также применение технологий прогнозирования занимает одно из ведущих мест. По всему миру для эффективной эксплуатации гидроузлов требует внедрения на практике технологий предотвращения заилиения и занесения верхних бьефов. В связи с этим, особое значение имеет использование технологий, обеспечивающих безопасную и эффективную работу низконапорных речных водозаборных гидроузлов.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на методы расчета процессов деформации, разработку теоретических и конструктивных решений по размещению гидроузлов и оценке русловых процессов в верхнем бьефе. В этой связи, особое внимание уделяется на проведение научно-исследовательских работ по оценке методик и закономерностей расчета переформирования верхнего бьефа низконапорных плотин и совершенствованию режима их эксплуатации.

В Республике проводятся широкомасштабные мероприятия, а также достигаются определенные результаты, с целью совершенствования режимов управления русловыми процессами и эксплуатации гидроузлов при обеспечении безопасной работы существующих гидротехнических сооружений, гидроэлектростанций, речных и водозаборных гидроузлов. В Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017 – 2021 годы определены важные задачи по «... дальнейшему развитию сети мелиоративных и ирригационных объектов для повышения конкурентно-способности национальной экономики»², в том числе, совершенствование методов оценки русловых деформации, установление стадии переформирования в верхнем бьефе низконапорной плотины, совершенствование режима эксплуатации гидроузлов имеют важное значения для проектирования, строительства и эксплуатации речных и водозаборных гидроузлов, а также для предотвращения и уменьшения заилиения водных объектов.

